



К. Ерматов номидagi «Ўзбекфильм» киностудиясининг ижодкорлари болаларга атаб яхши соғва тайёрладилар. И. Кузнецов сценарийни асосида режиссёр М. Огамирзаев суратлаган бу фильм «Бувимни қайтаринг» деб аталади. СУРАТДА: режиссёр-постановкачи М. Огамирзаев кичик томошбинлар билан суҳбатлашмоқда. В. Миленький фотоси. (ЎЗАТГ фотохроникаси).

Тошкент кўчасида байрам

Ранг-баранг кийимлардаги кишилар ўзбек миллий музикаси садолари остида Шимик район маркази аҳолисини Тошкент кўчасида ўтказиладиган мелиораторлар байрамга таклиф этдилар. Байрам тантаналари ўтказиладиган жой сифатида Тошкент кўчаси тантанали равишда бежиз эмас. Бундан ўн йил илгари Ноқоратупроқ зонани ўзлаштириш учун бу ерга келган ўзбекистонлик дастлабки кишилар мана шу кўчада жойлашган эди. У билан ёнма-ён Наманган, Дўстлик кўчалари пайдо бўлди. Шу кўчаларни курган, ҳозирда бу ерда яшаётган кишилар шарафига шундай ном берилди. Илгари ташландиқ ерлар бўлган бир неча минг гектар майдоннинг ҳосилдор эканлигига айланган дастлабки қашшоқлардан Т. Расулов, М. Нафисов, М. Момомаев, И. Бураев ва бошқа кўпгина кишилар байрамнинг фазрий меҳмонлари бўлишди. Новгород областида ана шу кишилардан ўрнат олиб, қардош республиканинг минглаб аҳолилари меҳнат қилмоқдалар. Байрам программасида ҳаваскор артистларнинг концертлари, спорт мусобақалари, ямарка ва ўзбек миллий таомларини энг яхши тайёрлаганлиги учун конкурс ҳамда бошқа қизиқарлиқ тадбирлар ўтказилди.

ДУХОВОЙ ОРКЕСТРЛАР ОВОЗИ ЯНГРАМОҚДА

Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи штатдаги ҳарбий оркестрларнинг бу ерда очилган кўрик-конкурси қатнашчилари бўлиш ҳарбий музикачилар Самарқанд кўчалари бўйлаб тантанали равишда юриб ўтишди. «Динамо» стадионида хилма-хил кўшми турларнинг музика коллективлари мукофоти ўринлар учун мусобақалашдилар. В. И. Ленин номидagi Тошкент олий умумқўшмин командири ва Ўзбекистон ССР Олий Совети номли Самарқанд олий ҳарбий автомобиль командири билан юртнинг оркестрлари биринчи ўринни бўлишди олдилар. Кўрик музика коллективларининг маҳорати ошганлигини намойиш этди. Жюри бир қанча соҳадаларнинг ака икросига юксак баҳо берди.

Студентлар ҳиссаси

Тошкент Давлат университетининг маданият саройида студентларнинг ҳаваскор коллективлари концерт берди. Сарой сажасида классик асарлар, замонавий эстрада кўшиқлари янгради. Томошбинлар «Адолети» вокал-оркестр ансамбли, «Контраст» эстрада ансамбли ёш артистлари концертларини қарсаклар билан кутиб олдилар. Кечада ТошДУ ҳалқ театри студияси актёрлари, Тошкентда ўқитган чет эллик студентлар ўз санъатларини намойиш қилдилар.

(ЎЗАТГ).

ОРАМИЗДА ТЕКИНХЎРЛАР БЎЎЛМАСИН

Меҳнатсиз даромад топиш билан боғлиқ бўлган биронта ҳам фактга нисбатан таъсир чораси кўрмай қолдирилмасин. Иш шундай йўлга қўйилсинки, порахўрлар, давлат бойлигини таловчилар, тамагирлар, тамагирлар ҳамда жамият ҳисобига бойлик орттиришга руж қилган бошқа кимсалар ялпи нафратга дучор этилсин, улар ўз қилмишлари учун муқаррар жазоланишларини билсинлар.

(КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан»).

Фидойий суҳбатлари

Тамагир бандалар

— Небаралар муборақ, дўстим! — деди Фидойий кўрпачага ўтираркан. — Эшитиб жуда хурсанд бўлдим, бир табриклар келай дедим...
— Жуда ахши келибсиз-да, ошнам. Қани, дастурхонга марҳамат...
— Умри, ризқи, ота-онаси билан бўлсин...
— Раҳмат, ҳаммадан олам тинчлик бўлсин...
— Ҳа, буниси энг муҳими. Юрт тинч — биз тинч... Шундагина хотирхиллик, фаровонлик бўлаверади. Кўриб турибсиз-ку, тўқинчиликни. Бу ҳаммаси тинчлик шарофати.
— Бу гапингиз-ку тўғри-я, ошнам. Аммо, инсонда бир хусусият бор: у тўқинчиликка, бойликка ҳеч қаноатланмас, бойини сари кўзи торайиб ана ҳам бойисам дееверар, мол-дунё авасасида ўзини ҳар хил разолатларга солаверар экан.
— Инсон табияти шунча, дўстим.
— Манави, кечаги ҳангомини эшитинг: Уғлимиз Москвага уч ойлик ўқишга кетган... Келинимиз туғруқхонадан «ертага мени ўйга жўнатишар эмиш», деб юборибди. Эрталаб янган-гиз билан гул қўриб туғруқхонага бордик. Туғруқхонани — севинчхона, деб бекорга айтишмайди. Бизга ўхшаш, кўзи ёриган келинимни, қизини, олиб кетадиганлар кўп. Бир йигит озгина ичиб олган чамаси, ақиллари билан нағма чалиб турибди...
— Бир вақт бизнинг келин юқоридан тушиб келди. Унинг ранг-рўйи тоза, оёқ олиши қаққон кўринарди. Шунга қарамай, келинимизнинг оқ ҳалат кийган олти янга санитеркалар кузатиб туришди. Кузатувчиларнинг бирсини қўлда қақалоқ, иккинчисининг қўлида коптоқдек кийим-кечак тутган, учинчисининг қўлида чойнак-пиёла, қолган утасининг қўлида биттадан ярим литрлик шиша-банка. Бирсининг чеккаси озгина қонанган кўринди. Мен келинимизга кўрсатилган бу иззат-обрўдан ажабландим: «Буллар қўлидаги буюмларнинг ҳаммасини бир одам қўтариб тушса ҳам бўларди-ку, деб ўйладим».

Келинимиз билан кўришиб табриклардик, кўнгил сўрадик. Кузатувчилардан бирини қақалоқни янгангизга берди. Қолганлари эса ҳалиги қўлларда қўтаришиб тушган «оғир юкларни» меннинг қўлидаги халтага солилар ва ҳаммаларни тиржайиб, қатор туриб олишди.
Шу вақт келинимиз секин ёнимга келиб: «Дада, бу турган-ларга оз-оздан пул беринг» деди. Шундагина мен бу «иззат-хўрматнинг» маъносига тушуниб етдим. Ансам қотди. Кўзларини лўқ қилиб турган «тиланчилар» қўлига бир сўмдан пул улашиб чиқдим ва хайр-маъзур қилиб йўлга тушдик. Орқамиздан қайсаридан бирсининг «Мирқуруқ» деган овозини эшитдим...
— Бу сўрбет тиланчилар барчага ҳам шундай «муомала»да бўладиларми? — сўрадим келинимиздан йўлда.
— Вой, нимасини айтасиз, дада. Булар туғруқхонанинг кузатувчилари-ку. Шунча кўзи ёриганларни кузатиб чиқиб уч сўм-беш сўмдан пул олишга ўргатилганлар. Ҳатто улар: «Бу гал кузатиб чиқиб меннинг галим», деб талаштирар, бир-бирларининг сочини қолтирар эканлар. Кўрдангизми, бирсининг чак-



— Бу нима, порами? Менинг тилимни боғлаб қўймоқчимисан?! Чучаварни хом санабсан, сен билан энди бошқачасига гаплашамиз.

(ЎЗАТГ).

Инсон софдил, ҳалол, меҳнаткаш ва фидойий бўлиши керак. Шундай фазилатли кишиларни халқимиз чин инсон, деб эъзозлайди. Ҳозирги пайтда биз ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бурилишлар даврида яшаймизки, бу ҳар бир совет кишининг меҳнатда зўр ғайрат-шижоат, тапшабсдорлик, ҳақиқат ва одилликка қатъийлик, софдиллик, ҳалолликни талаб этади. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори жуда кенг маъно касб этади. Бу қарор социализмнинг: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган одилона принципини ҳеч оғинмай амалга оширишга кучли ғоявий-сиёсий омил бўлади.

Фаровон ҳаётимиз ва турмушимизда учраб турадиган меҳнатсиз даромад топаётган порахўрлар, чайқовчилар, тамагирлар, давлат мол-мулкнинг талон-тарож қилаётган текинхўрлар, қинғир йўл билан пул йиғайтган бойвучалар гушландида шумғиялар, бегона закиртиканаклар қаби хунук ва зарарли бўлиб кўринадилар. Жонажон Коммунист партияси ва Совет ҳукуматимиз социалистик мулкни мустаҳкамлаш, она-Ватанимизнинг иқтисодий ва муҳофаза қўлатини ошириш, ҳар бир оила моддий фаровонлигини ана ҳам ўстириш учун меҳнатсиз даромад топишга одатланган гушлан ҳаётимиздаги шумғияларга кескин қарши курашни чора-тадбирларини аниқ-равшан белгилаб берди. Қўидаги туркум материаллар ана шу масалага бағишланди.

Ҳикматнома

Ҳалоллик ҳақида

● Софдил, ҳалол, тўғри одам бахт-саодатини меҳнатдан топиб, эл-юрт иззат-ҳурматини қозонади.
● Нафси ёмон одам эгри қўл бўлади.
● Кўпчиликнинг ҳақиқатга хиёнат қилган қимсада диёнат бўлмайди.

● Меҳнатли нон — миннатсиз бўлади.
● Ҳалол меҳнат — умрга зийнат.
● Меҳнатдан келган ҳазина тамамайди.
● Хунари одам хор бўлмас.
● Биронинг ошига зор бўлмас.

ХИКОЯТ: Бир ҳокисор темирчи ҳунарманд бор эди. У кеча-кундуз меҳнат қилиб, темирчи ўт-оловда тоблаб кетмон ясар, уни деҳқонларга ҳадя қилар эди. Деҳқонлар эса бу қурол билан далада ерга ишлов бериб ноз-неъматлар етиштиришар, темирчиға шу ноз-неъматлардан ҳақ беришарди.

Шу қиллоқда бир чайқовчи ҳам бўлиб, у деҳқонларнинг нарсаларини арзон-таров харид қилиб олардида, шаҳар бозорига қимматига пулларди, ҳаминини тўлазиб яхши кун кўрарди. Бир кун у темирчининг оловда терлаб-пишиб ишлаётганини кўриб қудди:

— Шунча заҳмат чекишининг нима кераги бор, менга ўхшаб яшасан бўлмайми?

Темирчи унга масхараомуз деди:

— Эй биродар, ҳалол меҳнатим — зийнатим. Сенга ўхшаб чайқовчилик билан яшасан, шаънингга иснод келадик, еганим ош эмас, тош бўлади.

ХИССА: меҳнатсиз даромад — умрга маломат.

Бозордаги шумғия

Қаллоб «гиёҳшунос»

Дам олиш кунини Октябрь бозорини айланиб юрган эдим, нон растаси ёнида бир кишининг чийил-доқ овозини эшитиб тўхтадим:

— Кеп қолинг, қон босимининг давоси — наъмат! — Кийик ўт! Ҳамма дарда даво!

— Исириқдан ола кетинг! Туатсангиз гриппга даво!

Баланд бўйли, шопмўйловли, қип-қизил от юзли киши гўрдек қўлларига даста исирикларни қўтариб олиб ҳаридор закиртиканакларнинг ёнида қатта-кичик халтачаларда турли-туман ўт-ғиёҳлар, наъматак мевалари, даста-даста исириклар ҳар хил шох-навадалар териб кўйилганлиги.

Кузатиб турдим. Ғиёҳлар эгаси ким ёнига яқинлашса: «Манави ўт фалон касалга даво», «Буниси кийик ўт, тоғда, баландда ўсади, ошқозон оғрини босади», «Наъматакни қайнатиб ичсангиз қон босимингизни туширади», деб маслаҳат беради. У гўё ҳамма хасталикни, ҳамма касалликнинг давосини биладигандек одамларни араб, лақма кишиларга ўт-ғиёҳларни пуллаб,

ҳаминини тўлдирарди. Агар ишонган бемор у берган ғиёҳни қайнатиб истеъмол қилса-ю, дардига шифо бўлиб ўринга заҳарлаб қўйса қандай аҳвол юз беради? Беморнинг касалини аниқ билмай берилган ўт-ғиёҳ бир одамнинг умрига заво бўлишини қаллоб «гиёҳшунос» заррача ўйларини кин? Кўн, у бу ҳақда ўйламайди! У қандай бўлмасин ҳаминини тўлдирини, текин даромадан бойишни, жингилдонини ўйлайди? Бу «гиёҳшунос»га сирдан қараганда табиятин биладигандек, уни севадигандек қўринади, аслида у она табият қўйидаги шифобахш ажойиб ўт-ғиёҳларни илдиз-пиёзлари билан қўприб, қилиб-юқиб, нес-нобуд қилиб йиғиб келайди, лақма беморларга пуллаб, текин даромад топади.

Октябрь колхоз бозорида турли ўт-ғиёҳларни билиб-билмай пуллаётган бундай шумғия бандалар қаторлашиб қолди-ки, уларни гулшан ҳаётимиздан сугуриб ташлашимиз керак.

Тўқин РАСУЛБЕВ, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифоқ рейди давом этмоқда

8. „ЎВУЗ ОҒУ“ СЎҚМОҚЛАРИ

Таъсирчанликни ошириб

Тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳажминини, хилини қўлайтириш, сифатини яхшилаш биринчи навбатда корхонадаги тартиб ва интизомга боғлиқ. Бинобарин, оз бўлса-да ураб турган ичкиликбозлик фактларини бутунлай бартараф этиш керак. «Микрон» заводига ташкил этилган

— Гап ҳозир кўчаларнинг бутун бўғинларида туб ўзгариш ясаш ҳақида бормоқда. Бинобарин, белгиланган тадбир кутинган натижани бермас, қорозда қолб кетади. Бу давр талабига тўғри келмайди. Ўш шундай эмасми?

— Шу боисдан корхона партия ташкилоти кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги, коллективда ҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиришдаги ролини оширишга алоҳида эътибор берилляпти. Спиртли ичимлик ичганлар, безорилиги учун миллияни органларнинг ходимлари томонидан ушланган шахсларга муро-сасизлик кайфияти шакллантирилляпти.

Авалло, КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча цех ва бўлимларда ўтказилган оқил партия мажлисларида муҳо-нама этилди. Партия ва касба союзи ташкилоти томонидан қарорини турмушга изчил таъбиқ этиш бўйича тадбирлар плани ишлаб чиқилди. Социалистик мусобақага

ичкиликбозликка қарши кураш комиссиясининг бутун фаолияти ана шу мақсадга йўналтирилган. Завод бosh директорининг ўринбосари, ичкиликбозликка қарши кураш комиссиясининг раиси Н. Н. АБДУЖАББОРОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссияси 16 кишидан иборат. Комиссия ўз фаолиятини тақомиллаштириб, таъсирчанликни оширишнинг янги услуб ва методларини топишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар ойда ўтказиладиган йил-ишга тартиббузарларнинг ўзи билан бирга у меҳнат қилаётган цех, бўлим бошлиқларини ҳам таклиф этиладиган бўлди. Комиссия тавсиясига биноан 14 та цехда жамоатчилик нарколо-гик постлари ташкил этилди. Жамоат тартибни, қонунни бузган ишчининг коллективда сайёр йиғилиш ўтказиш ишининг янги формаларида бирдирди. Шу кун ко-миссия аъзолари бевосита цех ёки бўлимга боради. Коллектив иштирокида тартиббузарнинг қилмишларига баҳо беради, жазо чорасини белгилайди. Бунда интизомни бузган кишининг касб-дошлари, мастер ва цех бо-шлиқларининг фикр, мулоҳа-залари ҳисобга олинади. Бу ошқораланиш таъминлаш билан бирга ишнинг таъсир-чанлигини оширяпти.

— Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссияси 16 кишидан иборат. Комиссия ўз фаолиятини тақомиллаштириб, таъсирчанликни оширишнинг янги услуб ва методларини топишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар ойда ўтказиладиган йил-ишга тартиббузарларнинг ўзи билан бирга у меҳнат қилаётган цех, бўлим бошлиқларини ҳам таклиф этиладиган бўлди. Комиссия тавсиясига биноан 14 та цехда жамоатчилик нарколо-гик постлари ташкил этилди. Жамоат тартибни, қонунни бузган ишчининг коллективда сайёр йиғилиш ўтказиш ишининг янги формаларида бирдирди. Шу кун ко-миссия аъзолари бевосита цех ёки бўлимга боради. Коллектив иштирокида тартиббузарнинг қилмишларига баҳо беради, жазо чорасини белгилайди. Бунда интизомни бузган кишининг касб-дошлари, мастер ва цех бо-шлиқларининг фикр, мулоҳа-залари ҳисобга олинади. Бу ошқораланиш таъминлаш билан бирга ишнинг таъсир-чанлигини оширяпти.

— Кўрилан чоралар ҳақида мисоллар келтириш мумкинми?

— 3-цех омборчиси Татяна Приказчикова билан масаласи сайёр мажлисда му-ҳокама қилинди. Унинг бе-восита корхона территория-сида ичкиликбозликни таш-кил қилишга ёрдам берган-лигини ишчиларнинг ўзлари исботлашди. Комиссия уни мукофот пули ва ўн учинчи маошдан маҳрум қилиш ҳа-қида қарор чиқарди. Шу-нингдек, вазифаси пайсаяти-рилиб, уч ой муҳлат билан маъмурий-ҳўжалик бўлими-га фаррошчилик ўтказилди. 1-цех ишчиси Александр На-заровнинг ҳушёрхонага туш-ганлиги масаласи қўрилган-да, ҳодисага объектив баҳо берилди. Тажрибали ишчи эканлиги, топириқларни ошириб бажарётганлиги ай-тилди. Шунга қарамадан, ил-лдий ҳулоса чиқарилди. У ўн учинчи маошдан маҳ-рум қилинди. Вигвор бе-рилди. 12-цех ишчиси Тух-тамурод Абдурахмонов, 1-цех ишчиси Геннадий Пе-тровга ҳам завод территория-сида кайф ҳолда пайдо бў-лганлиги учун ана шундай жа-зо қўйилди. 5-цех ишчи-си Эрташ Алимов бевосита

территориясида спиртли ичимлик ичганлиги учун ишдан бўшатилиди. Энди қўрилган чоралар-нинг самарасини кўрсатуви-ни фактларни айтиш. Ўтган йи-ли СССР Олий Совети Пре-зидиумининг «Ичкиликбоз-ликка қарши курашни ку-чайтириш тўғрисида»ги Фа-рмони эълон қилингунга қа-дар 34 ишчи ва хизматчи спиртли ичимлик ичиб ҳуш-ёрхонага тушган эди. Ўтган йилнинг кейинги етти ойида 16 киши тушди. Демак, са-марали меҳнат ва соғлом турмуш учун олиб борилаёт-ган кураш коллективда масъ-улиятни оширишга, интизом-ни мустаҳкамлашга катта ёрдам бериляпти.

— Касални даволашдан кўра, унинг олдини олган яхши, деган ибора бор. Бу бевосита ичкиликбозликнинг олдини олишга ҳам тааллуқ-ли. Комиссия ичкиликка ру-жу қўйганларни даволаш, уларнинг ёш ишчиларга ёмон таъсир кўрсатишларини бартараф этиш бўйича қан-дай тадбирларни амалга оширяпти?

— Юқорида айтганимиз-дек ҳар бир цех ва бўлимда нарколо-гик постлар ташкил қилинди. Завод меҳнатчи-санитария қисмининг бош-врачи Д. Саидова алкого-лизмнинг олдини олишга актив жалб этилган. Унинг ташаббуси билан райондаги му-тахассис-врачлар тез-тез

меҳнат коллективига келиб алкоголизмни киши органи-змага салбий таъсири ҳақида лекция, суҳбатлар ўтказиш-моқда. Асарни тасодифлар ишдан кейин юз беради. Демак, бўш вақтни ташкил этишга кўп нарсга боғлиқ. Шу боис-дан маданий ҳордиқ чиқа-ришни уюштиришга эъти-борни кучайтирдик. Бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги ишчи активлашди. Қатнаш-чи чиларнинг сафи кенгайди. Клубда бадий ҳаваскорлик коллективларининг қишчи-ни ташкил этиш, танилиш ёзувчилар, маданият арбоб-лари билан учрашувлар, ки-нолекторларини ўтказиш ода-т бўлиб қолди. Шабаба ва я-шанба кунлари коллектив бўлиб дам олиш зоналари-га бориш, туристик маршру-лар бўйлаб саёҳатлар уюш-тириш жонланди. Цехларда ҳушёрлик клубларининг ташкил этилиши ишнинг ян-ги, таъсирчан формаси бў-лди. Ҳозир учта цехда ана шундай клуб ишлаб туриб-ди. Улар «Спиртли ичимлик-ни даволаш» шiori ости-да ҳордиқ чиқаришнинг янги усулларини қўллаш-моқда. Ана шу тақриблар-ни янада оммалаштириш, коллективда ҳушёр турмуш тарзини таркиб топириш ниятидамыз.



—Келинг, кўзин чирт юмиб бинони қабул қиларайлик, уфати йиғилар: «Араги билан ошн биздан, дейишаяпти...»



— Шум арақ ўрнига бола-чақанга у-бу нарса олсанг бў-ларди, Шодийов.
— Э, Ходивой, бола-чақан хотин ойилгидан эплаб турб-ди, кел бир ичиб мириқайлик.
Ш. СУБХОНОВ расмлари.

